

**РУХИЙ КАСАЛЛИКЛАРИ МАВЖУД БЎЛГАН СТОМАТОЛОГИК БЕМОРЛАРДА  
КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ**

**О. М. Астанов**

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** руҳий каасаллиги мавжуд беморлар, агресив ҳатти ҳаракат, OHI-S тиш караши индекси, DI-S кўрсаткичларини тиш тоши индекси, CI-S кўрсаткичлари, оғиз бўшлиғи, КПО.

**Ключевые слова:** пациенты с психическими заболеваниями, агрессивным поведением, индекс карисса зубов OHI-S, индекс зубного камня DI-S, показатели CI-S, полость рта, КПУ.

**Key words:** patients with mental illness, aggressive behavior, dental caries index OHI-S, tartar index DI-S, CI-S indicators, oral cavity, CPU. Key words. Patients with mental illness, aggressive behavior, dental caries index OHI-S, tartar index DI-S, CI-S indicators, oral cavity, PCI.

Руҳий касаллиги мавжуд стоматологик беморларни клиник-функционал текширилганда беморларнинг шикояти ва оғиз бўшлиғи аъзоларининг функцияларининг бузилишларига эътибор қаратилди. Беморда руҳий касаллик мавжудлиги бир неча асосий белгилар бўйича аникланди. Тадқиқот гурухи беморларнинг аксарият қисмida қузатиладиган ҳаддан ташқари хавотирланиш энг кўп учрайди. Эҳтимолий асоратлар ва даволашдаги муваффакиятсизликлар хақидаги фикрлар ҳам кенг тарқалган. Касалликнинг янги кўринишларига доимий шикоятлар ва симптомларнинг таъкидланиши бир қатор беморларга хос хусусиятлардан хисобланади. Шунингдек текширилган беморлар гурухидаги депрессив фикрлар баъзи беморларда қайд этилди, ижобий ўзгаришлар ва согайишга ишончсизлик камроқ намоён бўлган беморлар ҳам қайд этилди.

**ПРОВЕДЕНИЕ КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ МЕТОДОВ ИССЛЕДОВАНИЯ У  
СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ПАЦИЕНТОВ С ПСИХИЧЕСКИМ ЗАБОЛЕВАНИЕМ**

**О. М. Астанов**

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

При клинико-функциональном обследовании стоматологических больных с психическими заболеваниями обращали внимание на жалобы больных и нарушения со стороны органов полости рта. Наличие психического заболевания у больного определялось по нескольким основным признакам. Наиболее распространенной является чрезмерная тревожность, которая наблюдается у большинства пациентов исследуемой группы. Также распространены мысли о возможных осложнениях и неудачах лечения. Акцент постоянных жалоб и симптомов на новых проявлениях заболевания является одной из особенностей ряда больных. Также в обследованной группе больных у части больных отмечались депрессивные мысли, отмечались также положительные изменения и меньшая уверенность в выздоровлении.

**CONDUCT OF CLINICAL-FUNCTIONAL RESEARCH METHODS IN DENTAL PATIENTS  
WITH MENTAL DISEASES**

**O. M. Astanov**

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

During the clinical and functional examination of dental patients with mental illnesses, attention was paid to the patients' complaints and disorders of the oral cavity. The presence of a mental illness in a patient was determined by several main criteria. The most common is excessive anxiety, which is observed in the majority of patients in the study group. Thoughts about possible complications and treatment failures are also common. The emphasis of persistent complaints and symptoms on new manifestations of the disease is one of the features of a number of patients. Also in the examined group of patients, some patients had depressive thoughts, positive changes and less confidence in recovery were also noted.

**Тадқиқотнинг долзарблиги.** Ҳозирги кунда руҳий касалликга учраган беморлар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб қилиб, ҳомиладорлик даврдаги эззоген ва эндоғен таъсиrotларни киритишимиз мумкин. Бундан ташқари турли хил травмалар, стресс ва бошқалар бунга сабаб бўлиб келмоқда. Ушбу касаллика учраган беморларга психиатр мутахасиси даволаш ишларини олиб боради. Улар билан ишлашнинг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Руҳий касаллиги мавжуд беморлар билан стоматолог мутахассиснинг текшириш ва даво чораларини қўллаши ҳам бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради [1, 2, 4, 6, 8, 9]. Чунки ушбу беморлардаги тез-тез руҳий ҳолатнинг салбий томонига ўзгариши, хусусан депрессив ҳолатлар, тажовузкорлик ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қузатилиши барчага мальум. Шунинг учун руҳий касаллиги мавжуд беморлар билан стоматолог мутахассисининг ишлаш жараёнида психиатр ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Бундай беморлардаги стоматологик касалликларни аниқлашда хушмуомилалик ва уларнинг ишончига кириш муҳим омиллардан бири хисобланади. Шундагина улар билан ишлаш бир мунча

осонлашади. Акс ҳолда руҳий касаллиги мавжуд беморлар стоматолог мутахассислариға зарар етказиб қўйишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Руҳий патологияси мавжуд беморларда стоматологик касалликларнинг деярли барчасини кузатишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу bemорлардаги оғиз бўшлиғи аъзолари касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика қилиш муҳим аҳамият касб этади [3, 5, 7, 10].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Руҳий патологияси мавжуд бўлган bemорларда клиник-функционал тадқиқот усуслари орқали стоматологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш чораларини амалга ошириш.

**Материал ва усуслар.** Тадқиқотда қатнашаётган бир гурӯҳ bemорларда агрессив ҳатти-ҳаракатга эга бўлган 80 нафар bemорнинг 22 нафари (27,5%) стоматологик ёрдам қўрсастилиши режалаштирилган тиббиёт муассасалари ходимлари билан мулоқотда қўпол муомала ва провокацияларга мойиллиги кузатилган bemорлар. Таҳхислар бўйича тақсимланган гуруҳда шизофрения ва эпилепсия (А/Г-1 ва А/Г-2) 170 нафар (41,5%), олигофрения (А/Г-3) – 105 нафар (25,6%), руҳий касалликларнинг бошқа шакллари (А/Г-4) – 135 нафар (32,9%) ва назорат гурухи bemорлари (Н/Г) 90 нафарни (21,9%) ташкил этган, улар орасида 55% эркаклар ва 45% аёллар ташкил этди.

КПО, ТОБОЛ усули, ОНІ-S индекси, DI-S индекси, СРІТН индекси, СОСХ-М индекси, МРТ текшириш усули қўлланилди.

**Натижалар.** Стоматологик кўриқда тепа ва пастки лаб юганчалари, оғиз олди чукурлиги, тил баҳоланди; оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, лаблар, лунж, қаттиқ ва юмшоқ танглай, тил кўриқдан ўтказилди. Шунингдек тиш қаторлари, пародонт тўқималари ўрганилди.

Тиш тўқималарининг кариес касаллиги билан шикастланишининг тарқалганлиги ва интенсивлиги КПО индексини ҳисоблаш йўли билан – БССТ тавсия этган усулда баҳоланди. Тарқалганлиги – бу тиш қаттиқ тўқималарининг кариес ва унинг асоратлари билан шикастланиши мавжуд бўлган bemорлар сонининг умумий текширилган bemорлар сонига нисбати билан аниқланадиган кўрсаткич; кариес интенсивлиги бир bemорда кариес билан шикастланган, пломбаланган ва олиб ташланган барча тишлар сонининг қўшилиши, кейин гурӯҳ бўйича ўртacha қийматларнинг ҳисобланиши йўли билан белгиланди.

ОБ да гигиена ҳолатини баҳолаш учун Oral Hygiene Index-Simplified (ОНІ-S) – Grin-Vermillion оғиз бўшлиғида гигиенанинг создалаштирилган индексидан (J.C.Green, J.R.Vermillion, 1964) фойдаланилди. Индекс махсус бўёқлардан фойдаланишни талаб этмайди, тиш караши (DI-S) ва тиш тошинининг (CI-S) миқдорини аниқлаш имконини беради. Индексни зонд билан аниқлаш учун 1.6, 1.1, 2.6, 3.1 тишларнинг вестибуляр юзлари ва 3.6 ва 4.6 тишларнинг тил юзлари ўрганилди.

Милк усти ва ости тиши тоши стоматологик зонд ёрдамида аниқланди. Олинган маълумотларни баҳолашда қуидаги мезонлардан фойдаланилди: ОБ гигиена индексини ҳисоблаш ОНІ-S тиши караши индекси DI-S кўрсаткичларини тиши тоши индекси CI-S кўрсаткичларига қўшиш йўли билан амалга оширилди.

GI милк индекси [57; 17-19-б., 91; 64-68-б.] гингивитнинг жойлашуви ва оғирлигини аниқлаш учун мўлжалланган. 1.6, 2.1, 2.4, 3.6, 4.1, 4.4 тишларда тугмали зонд ёрдамида



I расм. Текширув олиб борилган bemорларнинг оғиз бўшлиғи ҳолати кўриғи.

милкнинг тўрт соҳаси: дистал, медиал, вестибуляр соҳа маркази ва тил соҳаси маркази ўрганилди.

Пародонт касаллигининг тарқалганлиги ва интенсивлиги БССТ тавсия этган Community Periodontal Index of Treatment Needs (CPITN) индекси усулидан фойдаланиб баҳоланди. Бунинг учун пародонтал зонд ёрдамида 10 та асосий: 1.7/1.6, 1.1, 2.6/2.7, 3.7/3.6, 3.1, 4.6/4.7 тишлар соҳасида пародонт ўрганилди. Агар мос келувчи сектантда асосий тишлар мавжуд бўлмаса, унда ўша жойда мавжуд тиш пародонти ўрганилди. Стоматологик картага энг оғир шикастланиш киритилди.

Об да сурункали инфекция ўчоқларининг умумий соматик касалликлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва Об патологияларининг организм умумий ҳолатининг оғирлашувига таъсирини баҳолаш мақсадида [17; 317-324-б., 32; 238-241-б.] биз Об да сурункали орал сепсис (СОСХ-М) хавфи модификацияланган индексини кўлладик. Уни баҳолаш учун оғиз бўшлиғида энг кўп учрайдиган 6 та клиник белгилардан фойдаланилди: DI-S тиш караши индексидан тиш караши мавжудлиги, КПО кўрсаткичидан кариес билан шикастланган тишлар, GI индексидан сурункали гингивит, ортопантомограмма (ОПТГ) ўтказилганидан кейин аниқланувчи сурункали апекал периодонтитли (АП) тишлар мавжудлиги, пародонтал зонд ёрдамида аниқланадиган пародонтал чўнтаклар сони ва чуқурлиги ҳамда палпация усули билан патологик қўзғалувчан тишларнинг (ПҚТ) мавжудлиги.

Чакка-пастки жағ бўйимининг (ЧПЖБ) ҳолатини баҳолаш мақсадида тадқиқот ўтказилиб, бунда тадқиқот гурухига киритиш мезони сифатида белгилар триадаси қабул қилинди: 1) оғриқ синдромининг мавжудлиги; 2) оғиз очилишининг чекланганлиги; 3) магнитрезонанс томография (МРТ) маълумотларига кўра ЧПЖБ нинг ички бузилишлари. Н/Г учун истисно қилиш мезонлари оғир соматик патология мавжудлиги бўлди.

Руҳий касаллиги мавжуд стоматологик беморларни ташҳислаш ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида стоматологик касалликларни эрта ташҳислаш даволаш дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга тақдим этилди.

### **Руҳий патологияси мавжуд bemорларни стоматологик ташҳислаш ва даволаш дастури.**

Ёндош патологияси мавжуд bemорларга стоматологик ёрдам кўрсатиш алгоритмини автомат тарзда кўллаш дастуридан фойдаланиб анамнез тўплаш

Ўлчов ва сўровномалар ёрдамида bemорнинг ҳиссий ҳолатида ўзгаришларни, шунингдек bemорнинг касалликка муносабатини ТОБОЛ усулида аниқлаш.

Руҳий-ҳиссий ҳолатда ўзгаришларнинг таҳлилини клиник психолог ва стоматолог олиб боради

Руҳий-ҳиссий ҳолатда бузилишлар даражасининг белгиларини аниқлаш



Агрессия  
белгилари  
бўлган



Хавотир  
белгилари  
бўлган



Депрессия  
белгилари  
бўлган



Ипохондрия  
белгилари  
бўлган

Муросали мулокот техникасини танлаш ва кейинчалик уни кўллаш

Бемор қабул қиласиган фармакологик препаратларнинг маҳаллий оғриқсизлантириш воситалари билан кўлланишини таҳлил қилиш

Фото баённома усулидан фойдаланиб даволаш режасини тузиш

Самарадорлигини субъектив баҳолаган ҳолда АБ ҳамда bemорнинг руҳий-ҳиссий ҳолатини кузатган ҳолда маҳаллий оғриқсизлантирувчи воситалар ва усусларни танлаш

Руҳий касалликда комплекс ёндашув ва стоматологик ёрдам кўрсатиш

Рұхий касаллиги билан касалланған бемораларни стоматологик ташқислаш ва даволаш дастури стоматолог шифокорлар амалийетіда құллаш учун етакчи дастур бўлиб хизмат қиласы.

**Хулоса.** Рұхий касаллуклари мавжуд бўлган стоматологик беморларда клиник-функционал тадқиқот усулларини олиб бориш натижасида – тиш кариеси, пулпит, тиш карашлари ва тошлари, тиш тож қисмининг турли хил нүқсонлари, оғиз бўшлиғи аъзолари шиллиқ қавати касаллуклари ҳамда тиш қаторларининг қисман ва тўлик йўқотилишини келтириб чиқарувчи сабабчиларини эрта аниқлаб, рұхий патологияси бўлган беморлардаги стоматологик касаллукларини олдини олиш, даволаш ва профилактика қилишга эришилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдрашитова А. Б., Гайнуллина Д. К. Стоматологический статус пациентов с психоневрологическими расстройствами, обратившихся с целью санации рта в условиях общего обезболивания //Казанский медицинский журнал. – 2020. – Т. 101. – №. 2. – С. 200-205.
2. Гаффоров С. А., Мадаминова Н. С., Астанов О. М. Особенности оказания ортопедической стоматологической помощи у больных с психиатрическими патологиями //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2024. – №. 8. – С. 165-173.
3. Данилова Д. О., Сувырина М. Б. Коморбидность психических расстройств и состояния полости рта у женщин, находящихся на стационарном психиатрическом лечении //АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СТОМАТОЛОГИИ В УСЛОВИЯХ СЕВЕРА. – 2019. – С. 35-39.
4. Зиньковская Е. П. и др. Влияние прогредиентности заболевания у больных эпилепсией на уровень стоматологического комплаенса и некоторые стоматологические показатели //Институт стоматологии. – 2020. – №. 1. – С. 74-75.
5. Расулова М. А., Алиева Э. Р., Гасанов В. М. Стоматологическая заболеваемость и показатели ротовой жидкости у психически больных //Вісник проблем біології і медицини. – 2017. – Т. 3. – №. 4. – С. 371-374.
6. Astanov O. M., Ruzmetova M. I. Effects of one-sided chewing and psychoemotional abuse on the dental system // Academic Integrity and Lifelong Learning (France). – 2023. – Т. 3. – С. 33-37.
7. Gafforov S. A., Astanov O. M., SS G. Hygienic Condition of the Oral Cavity and Periodontal Tissue in Patients with Psychiatric Pathologies //Journal of Science in Medicine and Life. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 8-15.
8. Gayratovna S. R. Ways of optimization of local therapy for purulent-inflammatory diseases of the maxillofaqial region //EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 16-21.
9. Israilovich A. E. et al. Neurological conditions and their psychological manifestations in dental diseases //european journal of modern medicine and practice. – 2024. – Т. 4. – №. 3. – С. 61-63.
10. Mirjonovich A. O., Amrulloevich G. S. Diagnostics and Provision of Specific Dental Care to Patients with Psychiatric Pathologies //Journal of Advanced Zoology. – 2023. – Т. 44.